

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**37** Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал  
авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидала-  
рининг (ЎзР АҚ-160) 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1734-6*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 17 декабр-  
даги 346-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси ҳаво кемалари  
парвозларининг хавфсизлигини таъминлаш давлат дастурини тасдиқлаш  
тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2007 йил 10 сентябрдаги 138-сон буйруғи (рўйхат рақами 1734, 2007 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 44-сон, 448-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини сертификатлаш қоидаларининг (ЎзР АҚ-160) 1-бандининг ўн иккинчи хат-бошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Аэродром сертификати** — белгиланган қоидалар асосида ваколатли орган томонидан аэродромни эксплуатация қилиш учун бериладиган сертификат;».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 20 январь,  
56-н-сон